

**Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги**

**5A510502 – Фармацевтика ишини ташкил қилиши ва бошқарии
магистратура мутахассислигининг малака талаблари**

Тошкент

СҮЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги хузуридаги Республика тиббий таълимини Ривожлантириш маркази;
- Тошкент фармацевтика институти.

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни салаш вазирлиги 2017 йил «22»
08 даги Узбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги - сонли буйруги.

3. ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги.



Мазкур малака талаблари Ўзбекистон Республикаси худудида расмий чоп этиш ҳукуқи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлигига тегишилдирил.

МУНДАРИЖА

| | бет |
|---|----------|
| Т/п | |
| 1. <i>5A510502 – Фармацевтика ишини ташкил қилиши ва бошқариши магистратура мутахассислигининг умумий таснифи</i> | 4 |
| 1.1 Кўлланиш соҳаси | 4 |
| 1.2 <i>5A510502 – Фармацевтика ишини ташкил қилиши ва бошқариши мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи</i> | 5 |
| 2. <i>5A510502 – Фармацевтика ишини ташкил қилиши ва бошқариши мутахассислиги бўйича магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар</i> | 5 |
| 2.1 Магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар | 6 |
| 2.2. <i>5A510502 – Фармацевтика ишини ташкил қилиши ва бошқариши мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари</i> | 7 |
| 3. <i>5A510502 – Фармацевтика ишини ташкил қилиши ва бошқариши магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фандастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар</i> | 8 |
| 3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар | 9 |
| 3.2. <i>5A510502 – Фармацевтика ишини ташкил қилиши ва бошқариши магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми.....</i> | 10 |

1. 5A510502 – Фармацевтика ишини ташкил қилиши ва бошқарии магистратура мутахассислигининг умумий таснифи

5A510502 – Фармацевтика ишини ташкил қилиши ва бошқарии магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи олий таълимнинг дастури амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлик ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «магистр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўгрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг муддати, ўқиш шакли ва мос малака (даражаси) 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўқув режа ва фан дастурининг муддати, ўқиш шакли ва битирувчиларнинг малака(даражаси)

| Ўқув режа ва фан дастурининг номи | Малака (даражаси) | Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати |
|---|-------------------|---|
| Мутахассисликнинг ўқув режа ва фан дастурлари | Магистр | 2 йил |

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаби **5A510502 – Фармацевтика ишини ташкил қилиши ва бошқарии** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги олий таълим муассасалари учун мажбурий талаблар мажмуасини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда асосий ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳукуқига эга деб ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиши, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул – олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талabalari;

- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиги, деканлар ва кафедра мудирлари);

- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

- магистратура мутахассисликларидан бирини ихтиёрий танлаш ҳукукига эга бўлган бакалаврлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 5A510502 – Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва бошқарии мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи

1.2.1. 5A510502 – Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва бошқарии мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

5A510502 – Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва бошқарии магистратура мутахассислиги- Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш; Ўзбекистон Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида, илмий-тадқиқот марказларида, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармасининг Фармакология, Фармакопея, Наркотик ва психотроп моддаларни назорат қилиш, Янги тиббий техника қўмиталари ва бошқа таркибий тузилмаларида, “Ўзфармсаноат” ДАҚ, “Дори-дармон” АҚ, дори воситалари ва тибиёт буюмларини ишлаб чиқариш корхоналари, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари, ва турли мулкчилик шаклидаги дори воситаларининг чакана ва улгуржи савдоси билан шуғулланувчи фармацевтика корхоналарида комплекс масалаларни ечиш.

1.2.2. 5A510502 – Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва бошқарии мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- фармацевтика фаолиятини амалга оширувчи корхона ва ташкилотлар;
- фармацевтика корхоналарида бошқарув жараёнини тадқиқот қилиш, такомиллаштириш ва самарали усуулларини жорий этиш;
- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказлар;
- фармацевт кадрлар ва бошқарув тизими;
- фармацевтика бозоридаги жараёнлар;
- фармацевтика ташкилотлари ресурсларининг бошқаруви;
- фармацевтик бизнеснинг ташкилий ва меъёрий ҳужжатлари, дастурлар, бизнес режалар.

1.2.3. Мутахассислик бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

- Илмий-тадқиқот;
- Ташкилий-бошқарув;
- Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасасида педагогик фаолият (ўрнатилган тартибда);

• Консалтинг хизмати фаолияти ва шу кабиларни ўз ичига олади.

Мутахассислик бўйича тайёрланган магистрлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4. Таълимни давом эттириш имконостлари

Магистратура битирувчилари магистр академик даражасини олгандан сўнг олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ ИТИ ларда катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил-тадқиқотчи сифатида илмий-тадқиқот ишларини давом эттириши мумкин.

2. 5A510502 – Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва бошқарии мутахассислиги бўйича магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асосини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши; ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- миллий маънавий ва умуминсоний қадриятлар бўйича ўз нуқтаи назарини оғзаки ва ёзма баён этиши, миллий гоянинг назарий асосларни англаган ҳолда “Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш” бош гоясининг моҳиятини ҳамда унинг асосий ғоялар билан мутаносиблиги ва фарқини билиши;
- табиат ва жамиятда юз берадиган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, инсоннинг маънавий қиёфаси ҳақида билимларга эга бўлиши, улардан ҳаётда ва касбий фаолиятида ҳамда замонавий илмий тадқиқотларда фойдалана олиши;
- шахснинг инсон, жамият, атроф муҳитга бўлган муносабатини тартибга соловчи хукукий ва ахлоқий меъёрларни касбий фаолиятида қўллай олиши;
- янги билимларни мустақил ўзлаштира олиши, такомиллаштириши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила билиши;
- ўзининг индивидуал билимларига таянгани ҳолда ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил қилиши;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чикиш ва таҳлил қилиши. улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- илмий фаолияти натижаларини ҳис қилишга йўналтирилган ижтимоий масъулият шаклланган бўлиши;
- касбий фаолиятда ўзлаштирган фанларнинг асосий қонунларидан фойдаланиши, методларни таснифлаши, методологик тамойиллардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- хорижий тиллардан бирини илмий мулоқот ва касбий малака алмасиши воситаси сифатида эгаллаган бўлиши;
- ахборотни тўплаш, саклаш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаши;
- ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;
- ахборот, билим, маълумотни бир-биридан фарқлаш малакасига эга бўлиши, ахборот технологияларидан фойдалана олиши;
- бугунги ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфизлигининг асосий талабларига риоя қилиш;
- интернет тармогидан ахборотларни олиш, саклаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиши;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашиши;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойихаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаши;
- патент олиш учун иш меъёрий ҳужжатлар тайёрлай олиши;
- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойихаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши лозим.

2.2. 5A510502 – Фармацевтика ишини ташкил қилиши ва бошқарии мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий-тадқиқотларни ўтказиш ва янги илмий ҳамда амалий натижаларни олиш;

- ечилаётган илмий муаммолар ва топширикларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- лойиҳаларни бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш, фавқулодда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш, лойиҳа командасини бошқариш;
- e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларида педагогик фаолиятда (урнатилган тартибда):

- ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаш;
- электрон ўқитиш методларини эгаллаш;
- олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимининг таълим муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ностандарт ўқув машгулотларини ўтказиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-услубий хужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;
- ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш;
- мустақил таълим ва ижодий изланиш натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги турли усуллар, воситалар ва бошқа соҳаларда ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;
- узлуксиз таълим тизимининг ДТС, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиша иштирок этиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

Консалтинг хизмати фаолиятида:

- мутахассислик бўйича мавжуд ҳолатнинг аналитик таҳлилий шархини ишлаб чиқиш;
- “Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва бошқариш” магистр ихтисослигига мос мавзулардаги лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гуруҳларида иштирокчи сифатида қатнашиш;
- ихтисосликка мос йўналишларда консалтинг хизматларини кўрсатиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

3. 5A510502 – Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва бошқарииш магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурлари бакалавриат таълим йўналишининг ўқув режаси ва фанлар дастурлари билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талabalар томонидан куйидаги мажбурий блоклар ўзлаштирилишини назарда тутиши зарур:

- умумметодологик фанлар;
- мутахассислик фанлари;
- илмий фаолият.

Ўқув режа ва фанлар дастурлари мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талabalар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши лозим.

Талабаларнинг ўкув режа ва фанлар дастурларини ўзлаштиришида ўкув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустакил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Ўкув режа ва фан дастурини ишлаб чиқишида ОТМ республика иқтисодиёти ва ижтимоий тармоқлари, бошқарув ва хўжалик юритиш субъектлари учун фундаментал, айникса, юқори ва инновацион технологиялар бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўнкималарга эга бўлган кадрлар эҳтиёжини ҳамда узвийлик ва узлуксизлик тамойилларини ҳисобга олиши керак.

ОТМлар ўкув режа ва фан дастурини фан, таълим, техника, маданият, санъат, иқтисодиёт, технология ва ижтимоий соҳа ривожланишини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равища янгилаб туриши лозим.

Ўкув режа ва фан дастурини ишлаб чиқишида ОТМ томонидан битирувчиларнинг умуммаданий компетенцияларини (ижтимоий ўзаро таъсир, ўз-ўзини ташкил килиш ва бошқариш, тизими-фаолият тавсифидаги компетенцияларни) шакллантиришлаги имкониятлари аникланган бўлиши керак. ОТМ ўзининг ижтимоий-маданий муҳитини шакллантиришга, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур бўлган шароигларни яратишга масъул.

ОТМ ўкув жараёнини ижтимоий-тарбиявий ривожлантаришга, талабаларнинг ижтимоий ташкилотлар ишида, спорт ва ижодий тўгаракларда, магистрларнинг илмий жамиятларида иштирокига кўмаклашиши лозим.

Компетентли ёндашувни амалга ошириш, ўкув жараёни машгулотларини ташкил этишда фаол ва интерфаол (компьютер симуляторлари, ишбилармонлар ўйини, муайян вазиятларни кўриб чиқиш ва х.к.) шаклларни ўтказиши, талабаларнинг касбий кўнкималарини шакллантириш ва ривожлантариши мақсадида аудиториядан ташқари иш билан биргаликда жаҳон педагогик амалиётида кўлланиладиган замонавий педагогик технологиялар, ўқитишининг самарали стратегиялари, методлари ва услубларини кенг кўллашни назарда тутиши керак.

Фанларнинг ўкув дастурини шакллантиришида ОТМ талабаларининг ҳукуклари ва мажбуриятлари билан таниширишга, талабалар учун танлов фан (модул, курс) лари мажбурий эканлигини тушунтириши керак.

Талабаларда билим, амалий малака ва кўнкималарни тўлиқ шакллантириш учун ОТМ ўкув режа ва фан дастури ўкув фанлари (модуллари) бўйича лаборатория ишлари ва амалий машгулотларни қамраб олиши керак.

Магистратура мутахассислиги ўкув режасига мувофик равища якуний давлат аттестацияси ва магистрлик диссертациясининг ҳимояси билан тугалланиши шарт.

Ўкув режага киритиладиган мутахассисликка оид фанларнинг амалий машгулотлари ва лаборатория ишлари олий таълим муассасаси ҳамда базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун магистрантларнинг илмий амалиёт (стажировка)лари базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

3.1. Ўкув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Умумметодологик фанлар блоки:

-миллий истиклол гояси ва гуманитар, техник ва табиий фанлар фалсафий масалалар бўйича билимлар берилиши;

-инсониятнинг глобал муаммолари, маънавий ҳаёт, жамият ва шахс эҳтиёжлари, таълимнинг инсонпарварлик рухи; замонавий цивилизация ва унинг тараққиёт йўналишлари, ахборот тизимлари ва билимларни тақдим этиш усуллари тўгрисидаги тасаввурни шакллантириши;

-илмий ва илмий-техник ахборот билан ишлаш ўкув ва кўнкималарини шакллантириши, тадқиқ этиладиган мавзулар бўйича мунтазам равища мустакил таҳлил ва хulosани тайёрлаши;

-илмий ижодиёт методологияси, илмий тадқиқотлар асослари, билишнинг умумий усуллари, эмпирик ва назарий тадқиқот усуллари, қонунлар ва қоидалар мантиғи, асослаш ва инкор қилиш усулларига, шунингдек, нутқ маданияти асослари билимларига, педагогик технологиялар, мутахассисликлар бўйича менежмент ва иқтисодиётга доир билимларни таъминлаши;

-амалий хорижий тилни, мутахассисликка йўналтирилган ахборот технологиялари ва тизимларини ўзлаштиришни таъминлаши керак.

нутқнинг коммуникатив сифатли бўлишини таъминлаши;

амалдаги қонунчилик нормаларини қўллаш орқали ҳукукий масалалаларни хал қилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг магистратура мутахассисликлари ўкув режаларидағи умумметодологик фанлар блокига кўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

Мутахассислик фанлари блоки:

магистратура мутахассислик бўйича назарий ва амалий билимларни, укув ва кўникмаларни шакллантириши;

магистратура мутахассислик бўйича билимлар базасини яратиш, жамлаш ва улардан фойдалана олиш кўникмаларини ривожлантириши;

фармацевтика бозорининг маркетинг тадқиқотлари;

фармацевтика бозори тизимида товар сиёсати;

фармацевтика ташкилотларида бошқарув жараёнини ташкил этиш;

бошқарув технологиялари;

фармацевтика ташкилотларни лойихалаштириш;

фармацевтика ташкилотларида инсон ресурсларини бошқариш;

фармацевтик ташкилотларда кадрлар бошқаруви мотивацияси;

фармацевтик ташкилотларда кадрларнинг касбий маҳоратини баҳолаш ва аттестация;

магистратура мутахассислиги бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариш касб фаолиятининг кўзланган натижаларига эришишда жараёнларни моделлаштириш ва тизимли ёндошиш борасидаги илмий билимлар. амалий укув ва кўникмаларни таъминлаши керак.

Илмий фаолият: илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар бажарилишини назарда тутиши лозим.

Илмий-тадқиқот ишларига бўлган талаблар:

мустақил тадқиқотчилик фаолиятининг амалий кўникмаларини ҳосил қилиши;

ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқотлар ўtkазиш, тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш ва акс эттириш, илмий мақолалар тайёрлашга доир билимлар ва кўникмаларни шакллантириши;

талабаларга соҳа фан, техника ва технологиянинг энг янги ютукларига асосланган ахборот базаларини қўллай билиш, улардан магистрлик диссертациясини бажаришда фойдаланиш кўникмасини сингдириши лозим.

Илмий-педагогик ишлар:

замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, ўкув-тарбия ишларининг интерактив усулларидан фойдаланган холда педагогик фаолият маҳорати ва кўникмаларини шакллантириши;

ўкув жараёнини илмий-услубий жиҳатдан таъминлаши ташкил этиш укуви ва кўникмаларини ҳосил қилиши лозим.

Стажировка:

соҳа бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, назарий ва амалий билимларни чукурлаштириш;

фан, соҳа ҳамда бошқа тармоқлардаги замонавий техника ва технологиялар билан таништириш;

соҳага тегишли амалий, касбий ва илмий-тадқиқот компетенцияларни шакллантириш;

касбга самарали мослашув имкониятларини таъминлаши лозим.

Бунда стажировкага юборилган магистратура талабаси ўкув жараёни жадвалини индивидуал график асосида бажарилиши кўзда тутилади.

Танлов фанлари:

Мутахассислик бўйича фан, иқтисодиёт, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

*Танлов фанлари таркиби ва мазмуни соҳа бўйича республика ҳамда хориждаги етакчи мутахассис-олимларининг муаллифлик курслари ва муаммоли маъruzалари асосида шакллантирилади.

3.2.5A510502 – Фармацевтика шини ташкил қилиши ва бошқарши магистратура мутахассислиги ўкув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўкув ишларини ўз ичига олган ўкув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат килиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига - 36 соат килиб белгиланиши мумкин. Колган соатлар ҳажми мустакил таълим учун ажратилади.

Жорий, оралиқ ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда ўкув режа ва фандастурининг умумий ҳажми 2 йиллик ўкув даври учун ҳафталик ўкув юкламалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Магистратура мутахассисликларининг ўкув режалари ва фанлар дастури мазмuni олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг бирламчи ва бошланғич босқичи сифатида мутахассислик бўйича чуқур фундаментал ва амалий билимлар беришни кўзда тутган ҳолда шакллантирилади.

Фаол ва интерфаол шаклларда ўтказилаётган машғулотларининг улуши дастурининг асосий мақсади, талабалар контингенти хусусиятлари ва муайян фан мазмуни билан аниқланади. Талабаларнинг академик гурухлари учун маъзуза соатлари ҳажми аудитория вақтининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Фан мавзуларининг камида 20 фоизи (умумий юклама ҳажмига нисбатан) мустакил таълим тарзида ўзлаштирилиши лозим.

Талабаларнинг ўкув режалар ва фанлар дастурларини ўзлаштиришида ўкув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустакил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Магистратура мутахассисликлари унинг ўкув режаларига мувофиқ равища якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

Ўқишининг норматив муддати 2 йил бўяланганда ўкув жараёни 100 ҳафтани ташкил этиши зарур.

| | |
|---------------------------------|------------------|
| Назарий таълим ва илмий фаолият | 78 ҳафта |
| Аттестациялар | 6 ҳафта |
| Таътиллар | 16 ҳафта |
| Жами | 100 ҳафта |

Таълим дастурини ўзлаштиришда бир катор масалалар ёки интеграллаштирилган курслар муаммолари бўйича талабаларнинг мустакил таълими кўзда тутилади.

Ўқиш даврининг умумий ҳажми қўйидагида тақсимланиши зарур:

назарий таълим - 25 - 30%;

аттестация - 4 - 7%;

таътиллар - 13 - 16%;

илмий фаолият - 50 - 55%.

Илмий фаолият магистратура талабасининг якка тартибдаги календарь иш режаси асосида амалга оширилади ва қўйидагиларга бўлинади:

илмий тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш-70-75%;
илмий-педагогик иш ва малака амалиёти - 25 - 30%.

Назарий таълим ҳажми магистратура мутахассислигига караб қўйидаги тарзда фанлар блоклари бўйича тақсимланади:

умумметодологик фанлар - 20 - 30%;
мутахассислик фанлари - 50 - 60%;
танлов фанлари - 10 - 15%.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гурӯҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

Дори воситалари, тиббий буюмлар, фармацевтика фаолияти, илмий тадқиқот, фармацевтика бозори, бошқарув тизими, товар-моддий бойликлар, фаолият назорати, лицензия, сертификация, фармацевт кадрлар, менежмент, маркетинг, товар коньюктураси, рақобат мухити, рақобатбардошлиқ, ташқи иқтисодий фаолият, инвестиция, халқаро савдо.

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган кадрлар истеъмолчилари, ҳамда
ОваўМТВ бошқармалари**

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:



М.У.

Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги
Республика тиббий таълимни ривожлантириш маркази
Директор М.Х. Алимова

201_ йил «20» август



М.У.

Тошкент фармацевтика институти
Ректор профессор Х.К.Джалилов

201_ йил «20» август

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги
Биринчи ўринбосари Б.Қ.Юсупалиев

201_ йил «21» август



М.У.

Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги
Фан ва ўкув юртлари бош бошқармаси бошлиғи
У.С. Исмаилов

201_ йил «21» август

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига
Янги дастурлар ва ўкув адабиётларнинг жорий этилишини
назорат қилиш Бош бошқармаси

Бошлиқ О.Ш. Исмаилов

201_ йил «16» август



М.У.

Тошкент фармацевтика институтида
бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг
Малака талаблари ва ўкув режаларини такомиллаштириш бўйича ишчи гурӯҳ
мажлис
БАЁННОМАСИ

Тошкент ш.

9 06'

Кун тартиби: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида соғликни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2956-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарорларига мувофиқ бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўкув режа ва фан дастурларининг мазмуни ҳамда тузилмасини янада такомиллаштириш, таълим узвийлиги ва изчилигини таъминлаш мақсадида ҳамда 2017 йил 30 майдаги № 356-сон буйргуи ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент фармацевтика институти профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган таянч бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича такомиллаштирилган малака талаблари ва ўкув режаларини мухокама қилиш ҳамда уларни тасдиқлаш учун тавсия этиш.

Қатиашдилар:

Раис:

С.У.Алиев - Ўкув ишлар бўйича проректор

Раис ўриибосари:

Ш.З.Умарова - Ўкув бўлими бошлиғи, доцент

Аъзолар:

М.М.Дусмуратов - “Ўзфармсаноат” ДАҚ бошкаруви раиси

С.И.Асадов - “Дори-дармон” АКнинг ишлаб чиқаришни мувофикалаштириш бўлим бошлиғи

В.Н.Абдуллабекова - Фармацевтик кимё кафедраси мудири, профессори

Ф.Ф.Ўрмонова - Фармакогнозия кафедра мудири, профессор

Ё.С.Қориева - ДТТ кафедраси мудири, доцент

В.Р.Ҳайдаров - Дори воситалари саноат технологияси кафедра мудири, доцент

М.Г.Исмоилова - Биотехнология кафедраси мудири, доцент

С.А.Саидов - Фармакология ва клиник фармация кафедраси мудири, доцент

Котиба:

С.Юлдашева - Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

Сўзга чиқди: С.У.Алиев - Маълумки, хозирда таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишларининг ўкув режалари халқаро тажрибалар асосида ишлаб чиқилмокда. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторини таҳлил қилиш жараённида баъзи таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг номлари ўзгартирилди. Шунинг учун мазкур йўналиш ва мутахассисликлар бўйича янги малака талаблари ва ўкув режалари яратиш зарурияти туғилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида соғликни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2956-

сонли қарорларига мувофиқ бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўкув режа ва фан дастурларининг мазмуни ҳамда тузилмасини янада такомиллаштириш, таълим узвийлиги ва изчиллигини таъминлаш мақсадида ҳамда 2017 йил 30 майдаги № 356-сон буйруқ ижросини таъминлаш мақсадида институтнинг ҳамда турдош олий таълим муассасаларининг етакчи мутахассисларини жалб этган ҳолда бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари учун янги Халқаро тажрибалар асосида ишлаб чиқилаётган малака талаблари ва ўкув режаларини ишлаб чиқиш бўйича ишлар амалга оширилди.

Ушбу янгидан яратилган малака талаблари ҳақида йигилиш қатнашчиларидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдиришларини сўрайман.

Эшитилди: Бакалавриат таълим йўналишлари 5510500 - Фармация (турлари бўйича), 5510600 – Саноат фармация (турлари бўйича), 5111000-Касб таълими (5510500-Фармация (5510500- фармацевтика иши)), 5320500-Биотехнология (фармацевтик биотехнология), 5310901-Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (дори воситалари) Малака талаблари ва уларга тегишли ўкув режалари ҳамда магистратура мутахассисликлари 5A510501 – Фармацевтик кимё ва фармакогнозия, 5A510502 – Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва бошқариш, 5A510603 – Дориларнинг саноат технологияси, 5A510602 – Иммунобиологик ва микробиологик препаратлар технологияси бўйича ўкув бўлим бошлиги Ш.З.Умарова маълумот берди. Малака талабларини ишлаб чиқищдаги ўзига хос хусусиятлари, кадр истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар ҳақида маълумот берилди. Муҳокамада Ф.Ф.Ўрмонова, В.Н.Абдуллабекова, В.Р.Ҳайдаровлар, кадр истеъмолчиларидан М.М.Дусмуротов, С.И.Асатовлар иштирок этиб, бакалавриат таълим йўналишлари Малака талабларидағи касбий малакавий талаблар бўлимида албатта касбий фаолият объектлари аниқ кўрсатилиши лозимлиги эътироф этдилар.

Қарор қилинди:

1. Тошкент фармацевтика институтида ишчи гурухлар томонидан тайёрланган қуида келтирилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари ва ўкув режалари ишлаб чиқилишида: "Таълим тўғрисида", "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича чоратадбирлар тўғрисида" 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 5 майдаги "Ўзбекистон Республикасида соглиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2956-сон, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктиносидиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сонли қарорларига мувофиқ бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўкув режа ва фан дастурларининг мазмуни ҳамда тузилмасини янада такомиллаштириш, таълим узвийлиги ва изчиллигини таъминлаш мақсадида ҳамда 2017 йил 30 майдаги № 356-сон буйруғи ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилган. Асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирлик, идораларо ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг тармоқ ИТИларида экспертизадан ўтказилган.


2. Ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари ва ўкув режаларида кадр истеъмолчиларини таклиф ва эътиrozлари инобатга олинган.

3. Ишлаб чиқилган малака талабларини ўрнатилган тартибда тасдиқланиши учун Ўзбекистон Республикаси Соглиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббий таълимни ривожлантириш марказига топнишрилсан.



Раис:
Котиба:

С.У.Алиев
Ф.М.Махкамбаева



**“Фармация” таълим йўналиши битирувчиларига кадр буюртмачи ва
истеъмолчилари томонидан қўйиладиган малака талаблари**

Дорихона муассасаларини ишини ташкил қилиш ва бошқариш фаолиятида:

- аҳолига ўз вақтида юқори малакали, замонавий фармацевтика ёрдамини кўрсатиш;
- дорихонада рецепт ва талабномаларни қабул қилиш ва тайёрлаш, сифатини назорат қилиш ва тарқатиш ишларини ташкил қилиш;
- дорихонада амалдаги меъёрий хужжатлар асосида зарурий дори воситалар ва парафармацевтик маҳсулотлар ассортиментини тўлиқ таъминлаш, уларни сотиш ва тарқатиш қоидаларига риоя қилиш;
- дорихонага келиб тушган рецептларни қайд қилиш, нотўғри ёзилган рецептлар ҳақида ДПМ раҳбарларига ахборот бериш;
- дорихонада меҳнат муҳофазаси меъёрларига, ёнғинга қарши ва санитария тартибига амалга қилишини таъминлаш;
- доди воситалар ва парафармацевтика маҳсулотларини сони ва сифати жиҳатдан белгиланган тартибларда қабул қилиш, уларни физик-кимёвий хусусиятлари асосида меъёрий хужжатлар талабларига қатъий риоя қилган ҳолда сақлаш;
- дорихонанинг товар ва моддий бойликларини, ҳамда пул воситаларини сақлашни таъминлаш;
- асосий воситаларни капитал таъмирлаш, қурилиш ва реконструкция ишлари бўйича амалга оширилаётган ишларини назорат қилиш;
- дорихонани асбоб-ускуналаридан оқилона фойдаланиш, уларни жорий таъмирлаш ишларини назорат қилиш;
- дорихона ходимларини танлаш, ишлатиш, уларни малакасини ошириш ишларини ташкил қилиш;

- амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида хўжалик-молия ишларини ҳисоб ва ҳисботини олиб бориш;
- аҳоли ўртасида санитар-оқартурв тадбирларини ташкил қилиш;
- дори тайёрлаш ва сифатини назорат қилишнинг янги услубларини тадбиқ этиш;
- дорихонада тайёрланган дори воситалар сифатини назорат қилиш, сифат назорати учун намуналар олиш;
- дори воситаларнинг ножӯя таъсирларини, мутаносиблигини қўллаш, мумкин бўлмаган ҳолатларни, фармакокинетикасини инобатга олган ҳолда дори воситаси дозани белгилаш бўйича тиббиёт ходимларига маслаҳат бериш;
- дори воситаларига бўлган талабни ўрганиш;
- тиббиёт ходимлари билан бирга касалликни даволаш стандартларини ишлаб чиқариш;
- даволаш профилактика муассасаларининг фармакологик ва фармакотерапия қўмиталари гурухларида иштирок этиш;
- беморларга нисбатан деонтология тамойилларига риоя этиш;
- фармацевтик фаолият ҳамда гиёхванд воситалар, наркотик ва психотроп моддалар муомласи билан боғлиқ бўлган фаолият текширувларини олиб бориш бўйича вазифаларни амалга ошириш;
- фармацевтик фаолият ҳамда гиёхванд воситалар, наркотик ва психотроп моддалар муомласи билан боғлиқ бўлган фаолиятларга лицензиялар бериш бўйича ҳужжатларни экспертиза қилиш жараёнини олиб бориш, лицензион талабларни бажарилишини назорат этиш;
- назорат-таҳлил лабораторияларини ҳалқаро меъёрлар асосида жиҳозлаш, уларнинг фаолиятини ташкил этиш ва назорат қилиш, ўлчов воситаларининг метрологик текширувларини, ҳужжатларни сақлаш; тажрибаларнинг барча босқичлари тўғрисида қарор қабул қилиш; тажриба усулларини яроқлилигини аниқлаш ва расмийлаштириш бўйича тадбирларни амалга ошириш;
- барча турдаги дори воситалари, доривор ўсимлик хом ашёси, қадоқлов ва ёрдамчи моддалар, оралиқ маҳсулотларнинг Давлат сифат стандартлари

асосида фармацевтик таҳлилини олиб бориш ва маҳсулот сифатини баҳолаш, таҳлил сертификатини тузиш;

- таҳлил натижаларини расмийлаштириш;

- тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказиш ва сифатини назорат этиш;

- белгиланган талаб даражасида титрланган, текширилаётган, реактивлар, буфер ва этalon эритмаларни тайёрлаш ва уларни стандартлаш бўйича ишларни бажариш;

- дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказиш хужжатларини баҳолаш, ишлаб чиқариш шароитлари, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг норматив хужжатлар талабларига мувофиқлиги, сифати, самарадорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида экспертиза ишлари, текширувлар, синовлар, таҳлиллар, тадқиқотлар, ўрганишлар ва илмий-техник баҳолашларини ўтказиш;

- дори воситалари ва тиббий буюмлар стандартларини ишлаб чиқиш;

- фармацевтик маҳсулотларни сертификатлаштириш;

- дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказиш;

- дори воситаларини ишлаб чиқаришда сифат, фаоллиги ва безарарлигини назорат этиш (самоинспекция ва аудит);

- сифатсиз дори воситаларини ишлаб чиқиши олдини олиш бўйича тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш;

- фармацевтик таҳлил усулларни валидациялаш;

- фармацевтик саноат корхоналаридаги асбоб-ускуналарни валидациялаш;

- тозалаш жараёнини верификациялаш; фармацевтик ишлаб чиқариш корхоналаридаги асбоб-ускуналарни тозалаш усулларини ишлаб чиқиш, валидациялаш ва олинган натижаларни расмийлаштириш, стандарт операцион жараёнлар, вазифаларни тўғри амалга ошириш учун йўриқномалар тузиш, расмийлаштириш ва сақлаш;

- дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш корхоналарида сифатини назорат қилиш, ишлаб чиқариш шароитлари ҳамда сифатини назорат қилиш қонидалари ҳамда халқаро стандартлар талабларига мувофиқлигини текшириш;

- фан ва техниканинг замонавий ютуқларини, шунингдек таъсир этувчи ва ёрдамчи моддаларнинг физик-кимёвий хоссаларини ҳисобга олган ҳолда, муқобил усулларни ишлаб чиқиш, меъёрий хужжатларга қўшимча таҳлил қилиш кўрсаткичлари ва усулларини киритиш ёки уларни алмаштириш;
- замонавий таҳлил усулларини қўллаган ҳолда мустақил аналитик ва илмий-тадқиқот изланишларни олиб бориш;
- фармация соҳаси билан боғлиқ бўлган дори воситаларини олиш технологияси ва таҳлил усулларини ишлаб чиқиш бўйича айрим илмий-тадқиқот ва илмий-амалий муаммоларни ҳал қилишда қатнашиш;
- илмий тадқиқотлар олиб бориш режалари ва дастурларини тузиш, қўйилган мақсадга эришиш учун тадқиқот усуллари ва воситаларини танлаш, таҳлиллар ўтказиш ва улар асосида илмий хulosалар бериш, тадқиқотчилар учун вазифаларни белгилаб бериш;
- тадқиқот мавзу юзасидан илмий-техник маълумотларни тўплаш, тизимга солиш, таҳлил қилиш ва улар асосида мустақил хulosса чиқариш;
- илмий, амалий ва инновацион лойиҳаларда қатнашиш.

“Дори-дармон” АҚ нинг
бошқарув раис мувонини



С.И.Асадов

**ТИББИЁТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РЕКТОРЛАРИ
РАЁСАТИ ЙИГИЛИШИ БАЁННОМАСИДАН
КЎЧИРМА**

Тошкент ш.

«26 » 04 2017 й.

Раис: Даминов Б.Т. – тиббиёт олий таълим муассасалари ректорлар раёсати раиси

Котиб: Хайтов Қ.Н.

ҚАТНАШДИЛАР:

Алимова М.Х. – тиббий таълимни ривожлантириш маркази директори, Юсупалиева Г.А. – ССВ Фан ва ўкув юртлари Бош бошқармаси бошлиғи мувовини, Туйчиев Л.Н. – ТТА ректори, Шамсиев А.М. – СамДавТИ ректори, Ризаев Ж.А. – ТДСИ ректори, Мадазимов М.М.-АндДавТИ ректори, Олимов С.Ш.- БухДавти ректори в.в.б., Рузибаев Р.Ю. – ТТА Урганч филиали директори, Атаниязова О.А. – ТПТИ Нукус филиали директори, Маматқулов Х.А. -ТТА Фарғона филиали директори, Тешаев О.Р. - ТТА ўкув ишлари проректори, Хайтов Қ.Н. - ТПТИ ўкув ишлари проректори, ўкув-услубий бўлим бошлиқлари, етакчи профессор-ўқитувчилар

КУН ТАРТИБИ:

5A111001 – касб таълими (мутахассисликлар бўйича), 5A510101 - Акушерлик ва гинекология, 5A510102 – Эндокринология, 5A510103 – Терапия (йўналишлар бўйича), 5A510104 – Оториноларингология, 5A510105 – Кардиология, 5A510106 – Офтальмология, 5A510107 - Юқумли касалликлар (йўналишлар бўйича), 5A510108 – Дерматовенерология, 5A510109 – Неврология, 5A510110 - Умумий онкология, 5A510111 – Психиатрия, 5A510112 – Хирургия (йўналишлар бўйича), 5A510113 - Ташхиснинг инструментал ва функционал усувлари (йўналишлар бўйича), 5A510114 – Нейрохирургия, 5A510115 - Соғлиқни сақлашни бошқариш (йўналишлар бўйича), 5A510116 – Тиббий психология, 5A510117– Урология, 5A510118 - Морфология (йўналишлар бўйича), 5A510119 – Наркология, 5A510120 - Анестезиология ва реаниматология, 5A510121 – Травматология ва ортопедия, 5A510122 - Оилавий тиббиёт, 5A510123 - Суд тиббиёт экспертизаси, 5A510124 - Патологик анатомия, 5A510125 - Шошилинч тиббий ёрдам, 5A510126 – Фармакология, 5A510127 - Спорт тиббиёти, 5A510128 - Диетология; 5A510201 – Педиатрия (йўналишлар бўйича), 5A510202 – Болалар хирургияси, 5A510203 – Болалар анестезиологияси ва реаниматологияси, 5A510204 – Болалар кардиологияси ва ревматологияси, 5A510205 – Болалар неврологияси, 5A510206 – Неонатология, 5A510207 – Болалар ва ўсмирлар гинекологияси, 5A510301-

Гигиена (йұналишлар бүйича) 5A510401 –Терапевтик стоматология, 5A510401 – Ортопедик стоматология, 5A510401 – Жаррохлык стоматология, 5A510401 –Юз жағ жаррохлыги стоматология, 5A510401 – Болалар стоматология, 5A510601- Доривор үсімліклар биотехнологияси, 5A510602-Иммунобиологик ва микробиологик препаратлар технологияси, 5A510603 -Дориларнинг саноат технологияси, 5A320501- Биотехнология (маҳсулот тури бүйича), 5A320502-Тиббий-биологик аппаратлар, тизимлар ва мажмуалар (қўлланиш соҳаси бўйича), 5A320406 – Дори воситалар ва препаратлар технологияси, - Дори воситаларини стандартлаш ва сертификатлашириш, 5A510501 – Фармацевтик кимё ва фармакогнозия, 5A510502 – Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва бошқариш, 5A140101 – Биология (йұналишлар бўйича), 5A140102 – Микробиология ва вирусология, 5A140104 – Биотехнология, 5A140105 – Биофизика, 5A320502– Тиббий-биологик аппаратлар, тизим ва мажмуалар, 5A510701 – Олий ҳамширалик иши магистратура таълим йұналишлари малака талаблари ва ўқув режалари муҳокамаси

ЭШИТИЛДИ:

Кўрилаётган масала бўйича **ТТА ўқув ишлари проректори О.Р.Тешаев** 5A111001 – касб таълими (мутахассисликлар бўйича), 5A510101 - Акушерлик ва гинекология, 5A510102 – Эндокринология, 5A510103 – Терапия (йұналишлар бўйича), 5A510104 – Оториноларингология, 5A510105 – Кардиология, 5A510106 – Офтальмология, 5A510107 - Юқумли касалликлар (йұналишлар бўйича), 5A510108 – Дерматовенерология, 5A510109 – Неврология, 5A510110 - Умумий онкология, 5A510111 – Психиатрия, 5A510112 – Хирургия (йұналишлар бўйича), 5A510113 - Ташхиснинг инструментал ва функционал усуслари (йұналишлар бўйича), 5A510114 – Нейрохирургия, 5A510115 - Соғлиқни сақлашни бошқариш (йұналишлар бўйича), 5A510116 – Тиббий психология, 5A510117- Урология, 5A510118 - Морфология (йұналишлар бўйича), 5A510119 – Наркология, 5A510120 - Анестезиология ва реаниматология, 5A510121 – Травматология ва ортопедия, 5A510122 - Оилавий тиббиёт, 5A510123 - Суд тиббиёт экспертизаси, 5A510124 : Патологик анатомия, 5A510125 - Шошилинч тиббий ёрдам, 5A510126 – Фармакология, 5A510127 - Спорт тиббиёти, 5A510128 - Диетология; 5A510301- Гигиена (йұналишлар бўйича), 5A140101 – Биология (йұналишлар бўйича), 5A140102 – Микробиология ва вирусология, 5A140104 – Биотехнология, 5A140105 – Биофизика, 5A320502– Тиббий-биологик аппаратлар, тизим ва мажмуалар, 5A510701 – Олий ҳамширалик иши, **ТПТИ ўқув ишлари проректори К.Н.Хайтов** 5A510201 – Педиатрия (йұналишлар бўйича), 5A510202 – Болалар хирургияси, 5A510203 – Болалар анестезиологияси ва реаниматологияси, 5A510204 – Болалар кардиологияси ва ревматологиясиси, 5A510205 – Болалар неврологияси, 5A510206 – Неонатология, 5A510207 – Болалар ва ўсмирлар гинекологияси, **ТДСИ ўқув ишлари проректори М.З.Дусмухаммедов** 5A510401 –Терапевтик

стоматология, 5A510401 – Ортопедик стоматология, 5A510401 – Жаррохлик стоматология, 5A510401 – Юз жағ жаррохлиги стоматология, 5A510401 – Болалар стоматология ва *ТошФарМИ* ўқув ишилари проректори С.У. Алиевлар 5A510601-Доривор ўсимликлар биотехнологияси, 5A510602-Иммунобиологик ва микробиологик препаратлар технологияси, 5A510603 - Дориларнинг саноат технологияси, 5A320501- Биотехнология (маҳсулот тури бўйича), 5A320502-Тиббий-биологик аппаратлар, тизимлар ва мажмуалар (қўлланиш соҳаси бўйича), 5A320406 – Дори воситалар ва препаратлар технологияси, - Дори воситаларини стандартлаш ва сертификатлаштириш, 5A510501 – Фармацевтик кимё ва фармакогнозия, 5A510502 – Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва бошқариш магистратура таълим йўналишларининг ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режалари бўйича маълумот бердилар. Мазкур малака талаблари ва ўқув режалари олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори, Соғликни сақлаш соҳаси бўйича ДТС асосида тайёрланган.

Муҳокамада ТТРМ директори Алимова М.Х., СамДавти ректори А.М.Шамсиев, ТПТИ Нукус филиали директори О.А.Атаниязовалар қатнашиб, таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режалари **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2956-сонли 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли карорларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш максадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2015 йил 10 январдаги Вазирлар Махкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сондаги карорига ўзgartириш ва қўшимчалар киритиш хақида”ги З-сон қарори меъёрларига мос равища ишлаб чиқилганлигини таъкидлаб ўтдилар.**

Муҳокамадан сўнг 5A111001 – касб таълими (мутахассисликлар бўйича), 5A510101 - Акушерлик ва гинекология, 5A510102 – Эндокринология, 5A510103 –Терапия (йўналишлар бўйича), 5A510104 – Оториноларингология, 5A510105 – Кардиология, 5A510106 – Офтальмология, 5A510107 - Юқумли касалликлар (йўналишлар бўйича), 5A510108 – Дерматовенерология, 5A510109 – Неврология, 5A510110 - Умумий онкология, 5A510111 – Психиатрия, 5A510112 – Хирургия (йўналишлар бўйича), 5A510113 - Ташхиснинг инструментал ва функционал усуслари (йўналишлар бўйича), 5A510114 – Нейрохирургия, 5A510115 - Соғликни сақлашни бошқариш (йўналишлар бўйича), 5A510116 – Тиббий

психология, 5A510117 – Урология, 5A510118 - Морфология (йұналишлар бүйича), 5A510119 – Наркология, 5A510120 - Анестезиология ва реаниматология, 5A510121 – Травматология ва ортопедия, 5A510122 - Оилавий тиббиёт, 5A510123 - Суд тиббиёт экспертизаси, 5A510124 - Патологик анатомия, 5A510125 - Шошилинч тиббий ёрдам, 5A510126 – Фармакология, 5A510127 - Спорт тиббиёти, 5A510128 - Диетология; 5A510201 – Педиатрия (йұналишлар бүйича), 5A510202 – Болалар хирургияси, 5A510203 – Болалар анестезиологияси ва реаниматологияси, 5A510204 – Болалар кардиологияси ва ревматологиясиси, 5A510205 – Болалар неврологияси, 5A510206 – Неонатология, 5A510207 – Болалар ва ўсмирлар гинекологияси, 5A510301- Гигиена (йұналишлар бүйича) 5A510401 –Терапевтик стоматология, 5A510401 – Ортопедик стоматология, 5A510401 – Жарроқлик стоматология, 5A510401 –Юз жағ жарроқлиги стоматология, 5A510401 – Болалар стоматология, 5A510601- Доривор ўсимликлар биотехнологияси, 5A510602- Иммунобиологик ва микробиологик препаратлар технологияси, 5A510603 - Дориларнинг саноат технологияси, 5A320501- Биотехнология (маҳсулот тури бүйича), 5A320502- Тиббий-биологик аппаратлар, тизимлар ва мажмуалар (құлланиш соҳаси бүйича), 5A320406 – Дори воситалар ва препаратлар технологияси, - Дори воситаларини стандартлаш ва сертификатлаштириш, 5A510501 – Фармацевтик кимё ва фармакогнозия, 5A510502 – Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва бошқариш, 5A140101 – Биология (йұналишлар бүйича), 5A140102 – Микробиология ва вирусология, 5A140104 – Биотехнология, 5A140105 – Биофизика, 5A320502– Тиббий-биологик аппаратлар, тизим ва мажмуалар, 5A510701 – Олий ҳамширалик иши магистратура таълим йұналишлари малака талаблари ва ўкув режаларини үрнатылган тартибда тасдиққа киритиш таклифи берилди.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

5A111001 – касб таълими (мутахассисликлар бүйича), 5A510101 - Акушерлик ва гинекология, 5A510102 – Эндокринология, 5A510103 – Терапия (йұналишлар бүйича), 5A510104 – Оториноларингология, 5A510105 – Кардиология, 5A510106 – Офтальмология, 5A510107 - Юқумли касалликлар (йұналишлар бүйича), 5A510108 – Дерматовенерология, 5A510109 – Неврология, 5A510110 - Умумий онкология, 5A510111 – Психиатрия, 5A510112 – Хирургия (йұналишлар бүйича), 5A510113 - Ташхиснинг инструментал ва функционал усууллари (йұналишлар бүйича), 5A510114 – Нейрохирургия, 5A510115 - Соғлиқни сақлашни бошқариш (йұналишлар бүйича), 5A510116 – Тиббий психология, 5A510117– Урология, 5A510118 - Морфология (йұналишлар бүйича), 5A510119 – Наркология, 5A510120 - Анестезиология ва реаниматология, 5A510121 – Травматология ва ортопедия, 5A510122 - Оилавий тиббиёт, 5A510123 - Суд тиббиёт экспертизаси, 5A510124 - Патологик анатомия, 5A510125 - Шошилинч тиббий ёрдам, 5A510126 – Фармакология, 5A510127 - Спорт

